

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЗАРОВ АНВАР АРИПОВИЧ

**ЛОГИСТИК ТИЗИМЛАРДА ЙЎЛОВЧИЛАР ОВИМИГА ТРАНСПОРТ
ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА БАШОРАТ
ҚИЛИШ**

05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)

Назаров Анвар Арипович

Логистик тизимларда йўловчилар оқимига транспорт хизмати кўрсатиш
жараёнларини баҳолаш ва башорат қилиш..... 3

Назаров Анвар Арипович

Оценка и прогнозирование процессов оказания транспортных услуг
пассажи́рскому потоку в логистических системах..... 27

Nazarov Anvar Aripovich

Assessment and forecasting of the processes of rendering transport services to
the passenger flow in logistics systems..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЗАРОВ АНВАР АРИПОВИЧ

**ЛОГИСТИК ТИЗИМЛАРДА ЙЎЛОВЧИЛАР ОҚИМИГА ТРАНСПОРТ
ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА БАШОРАТ
ҚИЛИШ**

05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.DSC/Т377 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tashiit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Алимухамедов Шавкат Пирмухамедович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шарипов Конгратбай Аvezимбетович
техника фанлари доктори, профессор

Арипджанов Мадаминджон Марипович
техника фанлари доктори, профессор

Хикматов Шухрат Исматович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Диссертация химояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100167, Тошкент, Одилхўжаев кўчаси, 1–уй. Тел./факс: (99871) 293–57–54, e–mail: tashiit_rektorat@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университети Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, Тошкент ш., Одилхўжаев кўчаси, 1–уй. Тел.: (99871) 299–05–66.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А. Рискулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., проф.

Р.А. Абдурахманов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, PhD, доцент

А.А. Мухитдинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда замонавий шаҳарларнинг комплекс ривожланиши ва талаб даражасида фаолият кўрсатишида шаҳар йўловчи транспорти муаммолари энг асосийлардан бўлиб қолмоқда. Бу борада ривожланган хорижий мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Англия, Германия, Франция, Сингапур, Япония, Жанубий Корея каби мамлакатларда йўловчилар оқимига транспорт хизмати кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда¹. Йўловчилар оқимига транспорт хизмати кўрсатиш, мазкур жараёнларни баҳолаш ва башорат қилиш йўналишларида илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, йўловчилар оқимига транспорт хизмати кўрсатиш, уларни тўлиқ ва танлаб текшириш, режим ўзгартирувчи объектлар ўтказиш қобилиятининг критик параметрларини аниқлаш бўйича мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, жамоат йўловчи транспортининг ушланиб қолиш эҳтимоллигини аниқлаш, унинг иш жадвалига тезкор ўзгартириш киритиш учун йўловчи оқими параметрларини башорат қилиш зарур ҳисобланмоқда.

Республикамызда логистик тизимларда йўловчилар оқимига транспорт хизмати кўрсатишга қаратилган мазкур жараёнларни баҳолаш, башорат қилиш масалаларига йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари устувор хусусиятга эга бўлмоқда. Кейинги йилларда йўловчилар оқимига хизмат кўрсатиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари автобусларнинг бекатдан чиқишда кутиш вақти билан оқимда ҳаракатланаётган автомобиллар жадаллиги ва критик интерваллари ўртасидаги функционал боғлиқлик, имитацион модель асосида шаҳар жамоат транспорти ҳаракат тезлиги ўзгаришининг аналитик боғланиши, ташиш жараёнининг иқтисодий самарадорлигини ошириш каби муаммоларни ҳал этишга йўналтирилмоқда. Логистик тизимларда йўловчилар оқимига транспорт хизмати кўрсатиш жараёнларини баҳолаш ва башорат қилишда шаҳар жамоат транспорти параметрларини ўрганиш, уларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш, ушбу жараёнларни самарали ташкил этиш каби кўплаб омилларни ҳисобга олиш лозим. Уларнинг ҳар бири алоҳида ёндошув ва комплекс ҳал этишни тақозо этади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш ва атроф–муҳитга зарарли моддалар чиқишини камайтириш, ҳар томонлама қулай янги автобусларни сотиб олиш, автовокзал ва автостанцияларни куриш ҳамда реконструкция қилиш...»² масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Бугунги кунда йўловчилар оқимига транспорт хизмати кўрсатиш жараёнларини баҳолаш ва башорат қилишда ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим муаммолардан бири шаҳар жамоат транспорти ҳаракат жадвалларига

¹<http://www.dissercat.ru>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

йўловчилар оқими параметрлари ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда тегишли тузатишлар киритиб бориш ва уларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлашдан иборат. Айни пайтда, йўловчилар оқимининг ҳажми тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш бўйича амалдаги усуллар аниқ ҳолатни акс эттирмайди, ҳамда улар асосида шаҳар жамоат транспорти фаолиятини ташкил этиш масалаларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабдан, амалдаги ташилаётган йўловчилар ҳажмини ҳисобга олишнинг статистик усулларини такомиллаштириш, олинadиган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш ва улар асосида шаҳар жамоат транспорти ҳаракатини ташкил этиш зарурияти вужудга келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 9 октябрдаги “Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2048–сон, 2017 йил 10 январдаги “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2724–сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 ноябрдаги “Шаҳар йўловчи ташиш транспорти тизимини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора–тадбирлар тўғрисида”ги 309–сон, 2017 йил 11 мартдаги “Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги 129–сон, 2020 йил 16 мартдаги “Тошкент шаҳар йўловчи транспорти тизимини такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги 157–сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.

Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Энергетика, энергия-ресурс тежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.

Ҳозирги вақтга қадар йўловчилар оқимлари ва уларга транспорт хизмати кўрсатиш жараёнлари билан боғлиқ муаммолар бўйича кўплаб хорижий олимлар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

АҚШ олимлари йўловчилар оқимининг шаклланиши ва уларга транспорт хизмати кўрсатишда жамоат йўловчи транспорти параметрларини баҳолаш ҳамда ушбу жараёнга тизимли ёндошув усулларини қўллаш, автобусларда ташишни ташкил этишни режалаштиришни такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар. Италиялик олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида йўловчиларни ташиш жараёнлари логистик тизим звеноси сифатида алоҳида ажратиб олинган ва қўйилган масала доирасида бошқа бўлақларга бўлинмайдиган ҳамда ўзи алоҳида локал тизим сифатида қаралган. Франциялик олимлар замонавий шаҳарларда, катта юкланишларга эга бўлган транспорт тармоқларида йўловчиларни ташишни ташкил этишнинг ўзига хос муаммоларини ҳамда шаҳар жамоат транспорти йўналишларида ҳаракат

жадаллигини оптималлаштириш масалаларини тадқиқ қилганлар. Россиялик олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотларда йўловчилар оқимига транспорт хизмати кўрсатиш жараёнлари логистик тизим сифатида қаралган ва ушбу жараёнларини моделлаштириш орқали уларни оптималлаштириш масалалари бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Дунё олимлари томонидан шаҳар транспорт тизимининг комплекс моделини ишлаб чиқиш усулларини яратиш, йўловчилар оқимларини текширишда автоматлаштирилган тизимларни қўллаш орқали ташиштехнологияларининг илғор усулларини ишлаб чиқиш, йўловчиларнинг ташишга бўлган талабларини йўналишлар бўйича тақсимлаш, йўналишлар тармоқларида йўловчиларни ташиш технологиялари билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, шаҳар транспорт тармоқларини илмий асосланган ҳолда лойиҳалаштириш ва кутилаётган йўловчилар оқимларини аниқлаш йўналишларида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шаҳар аҳолисининг транспорт ҳаракатчанлиги, йўловчилар оқимларини бошқариш муаммолари билан етарли даражада дунёнинг йирик тадқиқотчилари, жумладан, АКШдан S.Hernandez, C.Morton, A.Bristow, Европадан R.Z.Farahani, B.Shalaik, C.Adam, P.Winstanley, R.Jacob, A.Monzon, R.Cascajo, B.Caulfield, J.Anable, I.Olivkova, R.Anderson, B.Condry, N.Findlay, R.Brage-Ardao, G.A.Giannopoulos, H.Nishiuchi, Осиёдан Haojie Li, D.A.Hensher, E.Miandoabchi, W.Y.Szeto, H.Rashidi, Россиядан А.П.Анисимов, С.П.Артемов, М.Е.Антошвили, С.Н.Балацкий, М.Д.Блатнов, А.М.Большаков, М.А.Вайншток, А.Э.Горев, Г.А.Варелопуло, А.В.Вельможин, Е.П.Володин, Б.Л.Геронимус, В.А.Гудков, Д.И.Дуднев, Г.В.Дукаревич, В.В.Зырянов, Н.К.Клепик, М.И.Климов, Е.А.Кравченко, В.Н.Логинов, И.П.Макаров, А.И.Мальшев, А.А.Менн, Л.Б.Миротин, Н.Б.Островский, С.А.Охрименк, Г.П.Павленко, Е.М.Раскин, Г.Б.Рикберг, П.М.Романенков, А.И.Рошин, Д.С.Самойлов, В.В.Скалецкий, И.В.Спирин, А.К.Старинкевич, В.П.Федоров, А.В.Шабанов, М.В.Хрущёв, В.А.Юдин ва Ўзбекистондан Б.А.Ходжаев, Ш.А.Бутаев, Ғ.А.Саматов, С.А.Салимов, А.М.Богдасаров, К.Б.Насретдинов, Л.А.Ахметов, Ж.Р.Кульмухамедов, В.С.Мун, А.А.Назаров, Ю.Холматов, К.М.Назаров, Б.И.Абдуллаев ва бошқалар тадқиқотлар олиб боришган.

Юқорида қайд этилган олимлар томонидан шаҳар йўловчи транспорти ишини ташкил этиш, жамоат йўловчи транспортини моделлаштириш, йўловчиларга транспорт хизматини кўрсатиш сифат кўрсаткичларини ошириш масалаларига бағишланган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Амалга оширилган илмий изланишларнинг барчасида йўловчилар оқимлари шаҳар йўловчи транспорти ишини ташкил этишнинг асосий кўрсаткичи сифатида ўрганилган ва йўловчилар оқимини текширишнинг таҳлили, уни амалга оширишнинг усулларини такомиллаштириш, йўловчилар оқимини текшириш натижаларини амалиётда қўллаш механизмлари каби муаммоларнинг илмий ечимларини топишга қаратилган.

Йўловчилар оқимига транспорт хизматини кўрсатиш жараёнида жамоат йўловчи транспорти ишини оқилона ташкил этиш талаб этилади. Йўловчи

оқими кўрсаткичлари ўзгарувчан бўлганлиги сабабли, ушбу жараёнда жамоат йўловчи транспорти вақт бўйича “эгиловчан” жадвал асосида ишлашни таъминлаш, ҳаракат интервалини ишлаб чиқиш, ҳаракат мунтазамлигини таъминлаш, транспорт воситаси турини танлаш ва бошқа бир қатор муаммолар вужудга келади. Бу муаммоларни ҳал қилиш бўйича мақбул вариантлар ишлаб чиқилади, аммо амалиётда йўловчиларни ўз вақтида манзилларига етказиб қўйиш учун ортиқча ушланиб қолишлари натижасида йўловчилар оқимига оқилона транспорт хизмат кўрсатиш жараёни издан чиқиб кетади ва кўзланган натижага эришишнинг имкони бўлмайди. Шу сабабдан йўловчилар оқимига транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этишни логистик тизим сифатида эътироф этиш, уни ташкил этиш ҳолатини даврий равишда баҳолаш ва башорат қилиб бориш ҳамда унинг асосида жамоат йўловчи транспорти иш жараёнларига тегишли ўзгартиришлар киритиб боришга бағишланган назарий ва амалий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида “Транспорт логистиканинг долзарб муаммолари” мавзусидаги устувор илмий-тадқиқот йўналиши ва институт қошидаги инновацион технологиялар маркази илмий-тадқиқот ишлари билан бевосита боғлиқ равишда амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади логистик тизимларда йўловчи оқимига транспорт хизмати кўрсатиш жараёнларини баҳолаш ва башорат қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

йўловчилар оқимини танлаб текшириш усулини такомиллаштириш;

йўловчилар оқимига транспорт хизмати кўрсатишни баҳолаш усулини ишлаб чиқиш;

жамоат йўловчи транспортини бекатдан чиқишда кутиш вақти билан транспорт оқимида ҳаракатланаётган автомобиллар жадаллиги ва критик интерваллари ўртасидаги функционал боғлиқликни аниқлаш;

режим ўзгартирувчи объектлар ўтказиш қобилияти критик параметрлари ва жамоат йўловчи транспортининг ушланиб қолиши эҳтимоллигини аниқлаш;

йўловчилар оқимларига транспорт хизматларини кўрсатишда жамоат йўловчи транспорти ҳаракати жараёнининг имитацион моделини ишлаб чиқиш;

оқим характеристикаларининг таъсирида жамоат йўловчи транспорти ҳаракати тезлиги ўзгаришининг аналитик боғлиқлигини аниқлаш;

жамоат йўловчи транспорти иши жадвалига тезкор ўзгартириш киритиш учун йўловчи оқими параметрларини башорат қилиш усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳридаги жамоат транспортида йўловчиларни ташиш йўналишлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини логистик тизимларда йўловчилар оқимига транспорт хизмати кўрсатиш жараёнларининг кўрсаткичлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида эксперимент, кузатув, математик таҳлил, статистика ва моделлаштириш, кластерли, тизимли ва

назарий таҳлил, асосий компонентларни синтезлаш, абстрактлаш ва индукция усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

йўловчилар оқимини танлаб текшириш усули уларни ўтказиш вақти давомийлиги ва маълумотлар ҳажмини ҳисобга олиш орқали такомиллаштирилган;

йўловчилар оқимига транспорт хизмати кўрсатиш жараёнлари параметрларининг ишончлилик чегараларини ҳисобга олиш натижасида уларни баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

жамоат йўловчи транспортини бекатдан чиқишда кутиш вақти билан транспорт оқимида ҳаракатланаётган автомобиллар жадаллиги ва критик интерваллари ўртасидаги функционал боғлиқлик аниқланган;

режим ўзгартирувчи объектлар ўтказиш қобилятининг критик параметрлари ва жамоат йўловчи транспортининг ушланиб қолиш эҳтимоллиги аниқланган;

ишлаб чиқилган имитацион модель асосида жамоат йўловчи транспорти ҳаракат тезлиги ўзгаришининг аналитик боғланиши олинган;

жамоат йўловчи транспорти иши жадвалига тезкор ўзгартириш киритиш учун йўловчи оқими параметрларини башорат қилиш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўн баробар кам ишчи кучи сарфлаган ҳолда транспорт тармоқларида йўловчилар оқими тўғрисидаги маълумотларни етарлича ишончлилик билан танлаб текшириш йўлга қўйилган;

жамоат йўловчи транспорти ҳаракат параметрларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш имконини берувчи дастурий таъминот ишлаб чиқилган;

жамоат йўловчи транспорти ишини “Намунали йўналишни баҳолаш бўйича кўрсатма ва услубий тавсиялар” бўйича баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган;

жамоат йўловчи транспорти ишини оқилona ташкил этиш, уларнинг йўналишдаги параметрларини муқобиллаштириш ёқилғи сарфини камайтиришга олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб, воситалардан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, йўловчилар оқимига транспорт хизмати кўрсатиш жараёнларидаги параметрларнинг ўзгариши назарий механика ва олий математика усуллари асосида амалга оширилганлиги, математик статистика усуллариининг қўлланилганлиги, олинган натижаларни ўтказилган бошқа тажрибалар натижалари билан солиштириш орқали асосланганлиги, назарий тадқиқотлар натижалари тажриба натижалари билан тизимли ҳамда назарий таҳлил усулида асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти йўловчилар оқимини танлаб текшириш жараёнида маълумотларнинг ҳажми, текширувларни ўтказиш вақти давомийлиги, йўловчилар оқимига транспорт хизмати кўрсатаётган жамоат йўловчи транспортининг оқимдаги ҳаракат параметрларини, уларнинг режим

ўзгартирувчи объект ҳудудидаги ҳаракатини баҳолаш, ишончилигини таъминлаш ва регрессон башоратлаш усуллари ҳамда ҳаракат йўналишларидаги режим ўзгартирувчи объектлар ҳудудларида ҳаракат тезлигини, режимини аниқлашнинг имитацион модели ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти йўловчилар оқимларига транспорт хизмати кўрсатиш жараёнида жамоат йўловчи транспорти ҳаракати кўрсаткичларини, йўловчилар оқимларининг параметрларини таҳлил қилиш орқали ташкил қилиш, жамоат йўловчи транспортининг режим ўзгартирувчи объектлар ҳудудларида асосиз ушланиб қолишларсиз, оқимдаги бошқа транспорт воситаларига салбий таъсир кўрсатмасдан узлуксиз ҳаракатини таъминлаш, йўловчилар оқимларининг ўзгаришини комплекс ўрганишлар ўтказмасдан танлаб текшириш усули асосида етарлича ишончилик билан аниқлаш ҳамда йўловчилар оқими кўрсаткичларини башорат қилиш орқали жамоат йўловчи транспорти иш жараёнларига ўзгартишлар киритиш натижасида йўловчилар оқимларига сифатли транспорт хизматини кўрсатишни таъминлаш имконияти яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Логистик тизимларда йўловчилар оқимига транспорт хизмати кўрсатиш жараёнларини баҳолаш ва башорат қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

такомиллаштирилган йўловчилар оқимини танлаб текширишнинг усули “Тошшаҳартрансхизмат” АЖга жорий этилган (“Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг 2020 йил 11 ноябрдаги 01/1-06-1/1939-1086-сон маълумотномаси). Натижада, йўловчилар оқимини текшириш жараёнига жалб қилинган кузатувчилар сонини 10 баробарга қисқартишга эришилган;

ишлаб чиқилган йўловчилар оқимига транспорт хизмати кўрсатишни баҳолаш усули “Тошшаҳартрансхизмат” АЖга жорий этилган (“Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг 2020 йил 11 ноябрдаги 01/1-06-1/1939-1086-сон маълумотномаси). Натижада, жамоат йўловчи транспорти фаолиятини оқилona ташкил этиш бўйича мезонларни ўзида мужассам этган “Намунали йўналиш”ни баҳолаш бўйича қоидалар ва услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

аниқланган жамоат йўловчи транспортининг бекатдан чиқишда кутиш вақти билан транспорт оқимида ҳаракатланаётган автомобиллар жадаллиги ва критик интерваллари ўртасидаги функционал боғлиқлик “Тошшаҳартрансхизмат” АЖга жорий этилган (“Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг 2020 йил 11 ноябрдаги 01/1-06-1/1939-1086-сон маълумотномаси). Натижада, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тассаруфидаги автокорхоналарнинг автобуслари иш жадвалларига ҳамда 20 та ҳаракат йўналишларида ҳаракат режимида ўзгартиришлар киритилган;

аниқланган режим ўзгартирувчи объектлар ўтказиш қобилиятининг критик параметрлари ва жамоат йўловчи транспортининг ушланиб қолиш эҳтимоллиги “Тошшаҳартрансхизмат” АЖга жорий этилган (“Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг 2020 йил 11 ноябрдаги 01/1-06-1/1939-1086-сон маълумотномаси). Натижада, Тошкент шаҳридаги жамоат йўловчи транспортининг иш жадваллари ўзгарадиган параметрлар асосида ташкил қилинган;

ишлаб чиқилган имитацион модель асосида олинган жамоат йўловчи транспорти ҳаракат тезлиги ўзгаришининг аналитик боғланиш “Тошшаҳартрансхизмат” АЖга жорий этилган (“Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг 2020 йил 11 ноябрдаги 01/1-06-1/1939-1086-сон маълумотномаси). Натижада, Тошкент шаҳридаги жамоат йўловчи транспортининг барча йўналишлардаги эксплуатацион тезлиги оқилона режалаштирилган ва 4 та ҳаракат йўналишларида автобуслар сони аниқ интервалларга бириктирилган;

ишлаб чиқилган жамоат йўловчи транспорти иши жадвалига тезкор ўзгартириш киритиш учун йўловчи оқими параметрларини башорат қилиш усули “Тошшаҳартрансхизмат” АЖга жорий этилган (“Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг 2020 йил 11 ноябрдаги 01/1-06-1/1939-1086-сон маълумотномаси). Натижада, Тошкент шаҳарида жамоат йўловчи транспорти ишини самарали, ишончли ташкил қилиш мақсадида 10 та ҳаракат йўналишларидаги ҳаракатланиш тартиби ўзгартирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот иши натижалари 3 та халқаро ва 10 республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 196 бетни ташкил этган.

ДИСЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда ҳамда объект ва предметлари шакллантирилган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий ҳамда ишончлилиги очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Йўловчилар оқимига транспорт хизмати кўрсатиш жараёнларидаги муаммолар таҳлили**” деб номланган биринчи бобида логистик тизимларда йўловчилар оқимига транспорт хизмати кўрсатишга таъсир кўрсатувчи омиллар ва Тошкент шаҳрида йўловчилар оқимларига транспорт хизмати кўрсатиш ҳолати ҳамда йўловчилар оқими тўғрисидаги маълумотларни ҳисоблаш ва статистик баҳолаш усуллари таҳлиллари келтирилган ҳамда тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари аниқланган.

Логистик тизимларида йўловчилар оқими параметрларини аниқлаш ва уларни ташиш жараёнларини оптимал ташкил этишга бағишланган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлиллари асосида қуйидагича хулосалар қилиш ва гипотеза (фараз)ларни илгари суриш мумкин:

йўловчилар оқимига транспорт хизматини кўрсатиш йўналишидаги илмий-тадқиқот ишларида транспорт тармоқларида ҳаракатни ташкил этишни оптималлаштириш ва йўловчилар оқимларига транспорт хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ муаммолар алоҳида кўрилган. Бу тадқиқотларда ягона логистик тизимларда йўловчилар оқимларига транспорт хизмати кўрсатиш жараёнига комплекс ёндошилмаган;

йўловчилар оқимига транспорт хизматини кўрсатишга логистик нуқтаи назардан ёндошув йўловчиларни белгиланган манзилларга, белгиланган аниқ вақтда, сифатли хизмат кўрсатиш таъминланган ҳолда, энг юқори самарадорлик ва минимал сарф-ҳаражатлар билан етказиш жараёнларини ўз ичига олади;

жамоат транспортининг интеграл сифати йўловчиларнинг жамоат транспортларида ҳаракатланишлари жараёнидаги параметрларининг жамланиши, аввалги тажрибалари билан боғлиқ объектив ва субъектив омилларнинг биргаликдаги натижалари бўлиб ҳисобланади;

йўловчилар оқимига йўналишларда транспорт хизмати кўрсатишнинг сифатини ошириш бир қатор чекловлар билан қарама-қаршиликларга дуч келади: йўналишларда хизмат кўрсатиш тезлигини ошириш, атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ равишда алоҳида турдаги транспортдан фойдаланишдаги табиий чекловлар. Ўз навбатида йўловчиларга транспорт-ўтказгич боғламаларида хизмат кўрсатиш уларни ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда тўғри лойиҳалаштириш, фаолият кўрсатишини режалаштириш, стратегик ва тезкор бошқарувини таъминлашга тўлиқ боғлиқ бўлади;

транспортни режалаштириш йўловчилар оқимига транспорт хизмати кўрсатишнинг асосини ташкил этади ва жамиятнинг жуда кўп элементларига таъсир кўрсатади, жумладан, иқтисодий фаровонлик, атроф-муҳит шароитлари, ижтимоий интеграция. Транспортни режалаштириш узлуксиз жараён бўлиб, йўловчилар оқими кўрсаткичлари, йўловчиларнинг талаблари, иқтисодий шароитларнинг ўзгариши ва техник имкониятларнинг ривожланишидан келиб чиққан ҳолда, мунтазам равишда қайта кўриб чиқиши лозим. Бундай шароитларга ҳар қандай қарорларни текшириш ва уларнинг оқибатларини таҳлил қилиш имкониятини яратиб берадиган турлича моделлар асосида қарорлар қабул қилишни қўллаб-қувватлайдиган тизимлардан фойдаланиш орқали эришиш мумкин.

2020 йил 16 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳар йўловчи транспорти тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 157-сон қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда Тошкент шаҳрида жамоат йўловчи транспорти фаолиятини янада яхшилаш, унинг самардорлигини ошириш, йўловчи транспортга хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни замонавий талаблар даражасида қайта жиҳозлаш бўйича чоралар белгиланган.

Айни пайтда, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибида 9 та автобус саройи, 3 та унитар корхона мавжуд. Автобус саройлари томонидан 152 та йўналишда транспорт хизмати йўлга қўйилган бўлиб, йилига ўртача 200 миллиондан зиёд йўловчи ташилади. Булардан 47,8 фоизи ойлик йўл чипталаридан фойдаланадиган йўловчилар ҳамда 2,2 фоизи имтиёзга эга бўлган йўловчилардир. Мазкур йўналишларга 1000 дона автобус бириктирилган бўлиб, якшанба кунларида 13769 та, иш кунларида 17860 та қатновларни амалга ошириш режалаштирилган, уларда фойдаланилаётган транспорт воситаларининг 52 таси катта сиғимли ва 81 таси кичик сиғимли автобусларни ташкил қилади. Автобуслар ишлаётган жадваллар сони 112 тани, катта сиғимли автобуслар учун жадваллар сони 519 тани, кичик сиғимли автобуслар учун 601 тани ташкил қилади.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тасарруфидаги автокорхоналарнинг асосий иш фаолияти кўрсаткичларининг таҳлили шуни кўрсатадики, йўналишлар тармоғининг ўртача масофаси автотранспорт бўйича 8678,9 км ни ва метрополитен бўйича 36,2 км ни ташкил қилмоқда. Транспорт воситалари йўналишларда ҳаракат қилиб, иш кунларида 1228 та, шанба кунларида 1112 та ва якшанба кунларида 1024 та жадваллар бўйича йўловчилар оқимларига хизмат кўрсатмоқда. Йўловчилар оқимларини ташиш учун жалб этилган “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тасарруфидаги автокорхоналар транспорт воситаларининг алоқа тезлиги 24,34 км/соатни, тасарруф тезлиги эса 21, 46 км/соатни, яъни ўртадаги фарқ 2,88 км/соатни ташкил қилмоқда. Алоқа ва тасарруф тезликларининг пастлиги жамоат йўловчи транспортининг йўналишдаги ҳаракати ҳамда оралик бекатлардаги ушланиб қолишлари нисбатан катта эканлигини кўрсатади.

Тошкент шаҳридаги жамоат йўловчи транспорти йўналишларидаги жами оралик бекатлар сони - 2121, JCDesauxUz оралик бекатлари – 200 та, савдо шоҳобчасида жойлашган оралик бекатлар – 727 та, эски конструкциядаги оралик бекатлар – 365 та, ойнаванд оралик бекатлар – 211 та, французча турдаги оралик бекатлар -166 та, бекат конструкцияларига эга бўлмаган оралик бекатлар – 452 тани ташкил этади.

“Тошшаҳарйўловчитранс”АЖ тасарруфидаги автосаройлар кесимида йўловчилар оқимини ўрганиш натижалари бўйича ҳисоб ишлари натижалари мавжуд йўловчилар оқимларига сифатли транспорт хизматини кўрсатиш учун иш кунларида 1753 та транспорт воситалари керак бўлса, дам олиш кунларида бу кўрсаткич 1158 тани ташкил қилиши лозим. Йўналишларда ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг сони иш кунларида 1132 тани, дам олиш кунларида эса, 963 тани ташкил қилади. Бошқача қилиб айтганда, иш кунларида барча йўналишлар бўйича 14 та автобус ортиқча бўлса, 640 та автобус етишмайди. Дам олиш кунларида эса, йўналишлар бўйича ҳаракатланаётган 117 та автобус ортиқча бўлса, 323та автобуслар етишмас экан. Йўналишда автобусларнинг ортиқча бўлиши автобуслар ҳаракатини ташкил этишда йўловчилар оқими кўрсаткичлари ҳисобга олинмаганлигидан далолат беради ва йўналишдаги автобуслар меъёрдан кам юкланиш билан, аксинча,

автобуслар етишмайдиган йўналишларда эса, автобуслар ортиқча юкланишлар билан ҳаракатланади.

Юқорида амалга оширилган таҳлиллар асосида тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари белгилаб олинди.

Диссертация ишининг **“Йўловчилар оқимлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва уларни таҳлил қилиш усуллари”** деб номланган иккинчи бобида логистик тизимларда йўловчилар оқимлари тўғрисида статистик маълумотларни аниқлаш, йўловчилар оқимларини тўлиқ ва танлаб текшириш усуллари тадқиқ қилинган.

Шаҳарларда аҳолининг транспорт ҳаракатчанлигини ва йўловчилар оқимини текшириш турли хилдаги усулларда олиб борилади, улардан амалда кенг қўлланилаётганлари анкета, талонли, жадвалли ва визуал (чамалаш) усуллари бўлиб ҳисобланади.

Аҳолининг транспорт ҳаракатчанлиги ва йўловчилар оқимларини тўлиқ ёки танлаб текшириш усуллари орқали амалга оширилади. Йўловчилар оқимларини танлаб текшириш усулида йўловчилар, транспорт воситалари, йўналишлар, жадваллар ва жамоат транспортдан фойдаланадиган турли тоифадаги йўловчиларнинг маълум бир қисми қамраб олинади. Бу ҳолда йўловчилар оқимларини аниқлаш учун йўловчиларни ташишнинг ва шаҳар аҳолисининг умумий миқдоридан танлаб олинган қисми тақдимот хусусиятига эга бўлиши, яъни ялпи мажмуанинг барча кўрсаткичларини ўзида акс эттира олиши лозим.

Текширишни амалга ошириш ва ундан олинadиган натижалар кўрсаткичлари бўйича ялпи мажмуанинг кўрсаткичлари улуши бўйича тақдимотни таъминловчи танланманинг минимал ҳажми n қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$n = Nt^2P(1 - P)/[N\Delta^2 + t^2(1 - P)], \quad (1)$$

бу ерда P -транспорт иши; Δ -йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликлар ёки ўртача бош кўрсаткичдан четланиш; t -эхтимоллик интегралли аргументи бўлиб ҳисобланган натижаларнинг ишончилигини таъминловчи коэффициент.

$$\Phi(t) = (2/\sqrt{2\pi}) \int_0^t l^{-t^2/2} dt, \quad (2)$$

Кўп ҳолларда Δ нинг қиймати 0,05 га тенг миқдорда олинади, бунда хатолик 5% ни ташкил этади. t нинг қиймати қабул қилинган Δ хатоликдан келиб чиқиб, эхтимоллик интегралли жадваллари орқали аниқланади. Агарда $\Delta=0,05$ бўлса, $t=2$ га тенг бўлади; $P-t$ берилган ишончилик ва Δ хатолик билан натижаларни олиш учун талаб қилинадиган n/N танловнинг кутилаётган улуши.

Йўловчилар оқимини визуал, жадвалли ва талон усуллар орқали текшириш олиб борилганда (1) формула орқали йўналишлар бўйлаб N ҳаракатланишлар бўлганда текширишлар ўтказилиши лозим бўлган n ҳаракатланишлар сони аниқланади.

Аҳолининг иш, яшаш туманларида анкета текшируви усули қўлланилганда (1) формула ёрдамида берилган ишончилилик билан олинган натижаларни N барча аҳоли учун қўллаш мумкин бўлган n аҳоли сони аниқланди.

Амалдаги услуб йўловчилар оқимини танлаб текшириш бўйича олинган маълумотларни тўлиқ ишончилигини таъминлай олмайди. Зеро, мазкур услубда йўловчилар оқимларини танлаб текшириш ўтказилганда олинган натижаларнинг ишончилигини таъминлаш учун текшириш вақтнинг давомийлиги, тўпланиши лозим бўлган маълумотлар ҳажми ва тўпланган маълумотлар асосида хулоса чиқариш учун унинг ишончилилик чегаралари тўғрисидаги натижалар ҳисобга олинмайди. Бу эса, танлаб текшириш жараёнида йўловчилар оқимлари параметрлари тўғрисида тўлиқ, ишончли маълумотларга эга бўлиш ва хулоса чиқариш имконини бермайди.

Агарда йўловчилар оқимларини ўрганиш комплекс равишда эмас, танлаб текшириш асосида ўтказиладиган бўлса, у ҳолда оқимдаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар катта вақт интервали орасида тўпланади ва натижаларда анча миқдордаги тасодифийлик даражаси пайдо бўлади. Агарда бу маълумотлардан йўловчилар оқимларига транспорт хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш учун фойдаланиладиган бўлса, у ҳолда бу маълумотларни қайта ишлаб ўртача қиймат кўринишига келтириш лозим бўлади. Тўпланган маълумотлар асосида йўловчилар оқими параметрларини ўзгаришини башорат қилиш имконини берадиган усул ишлаб чиқилди.


Маълумки, айти пайтда ва илгари ўлчанган йўловчилар оқимининг параметрлари тўғрисидаги маълумотларда турлича номуносивликлар кузатилади. Аммо турлича натижавий маълумотлар ўртасидаги тафовутлар фақатгина йўловчилар оқимлар параметрларининг ўзгариши натижасида эмас, балки маълумотларнинг тасодифий хусусиятларга эга эканликлари билан ҳам изоҳланади. Ушбу тафовутларни йўловчиларни ташиш жараёнларини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқиладиган тавсияларда қандай ақс этириш масаласини ҳал этиш учун статистик гипотезаларни текшириш техникасидан фойдаланиш тавсия этилди.

Диссертация ишининг **“Йўловчилар оқимига транспорт хизмати кўрсатиш жараёнларида жамоат йўловчи транспорти ҳаракатининг синов тадқиқотлари”** деб номланган учинчи боби жамоат йўловчи транспортининг йўналишлардаги ҳаракатини, режим ўзгартирувчи объектнинг жамоат йўловчи транспорти ҳаракат режимига таъсирини, жамоат йўловчи транспортининг ҳаракат йўналишларда ушланиб қолишларини тадқиқ қилишга бағишланган.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, ҳаракат режимига нафақат статик омиллар, балки динамик омиллар ҳам таъсир кўрсатар экан. Масалан, оқимда ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг ўзаро таъсирлашуви. Бундай таъсирлашув алоҳида кесмаларда эмас, балки кўча-йўл тармоғининг маълум бир қисмида содир бўлади ва бу жараён вақт ўтиши билан масофада ўзгариб боради. Худди шу каби оралиқ бекатларнинг транспорт оқимларига таъсир кўрсатиш ҳудудлари ҳам уларга кириб келаётган ва ундан чиқаётган жамоат йўловчи транспортга ҳамда уларнинг сонига

боғлиқ равишда ўзгаради. Бундан ташқари, ушбу таъсирлашув жамоат йўловчи транспортининг ҳаракатланиш режимини ўзгартирмаган шароитларда умуман бўлмайди, яъни доимий хусусиятга эга эмас. Жамоат йўловчи транспортининг оқимда ҳаракатланиш жараёнига таъсир кўрсатадиган статик ва динамик параметрлар “режим ўзартувчи объект” деб номланадиган гуруҳга умумлаштирилди ва бу гуруҳга мансуб кўрсаткичлар уларнинг натижаларини тўлиқ баён қилишни таъминлай олади.


Кўча-йўл тармоқларининг тўғри, горизонтал қисмларида масофавий интервалларни тақсимланиши бўйича бир йўналишда ҳаракат жадаллиги 500-1500 авт/соат бўлган шароитда ўтказилган синов тадқиқотларининг кўрсатишича, транспорт оқимидаги автомобиллар орасидаги интерваллар ҳаракат тезлиги ва таркибига боғлиқ равишда ўзгариши аниқланди. Агарда транспорт оқими таркибида 80% дан ортиқ енгил автомобиллар мавжуд бўлса, масофавий интервал ҳаракат тезлигига тўғри пропорционал равишда ўсиб бориши аниқланди. 1-расмда кўрсатилганидек, ўнг ҳаракат бўлагига автомобиллар ўртасидаги интерваллар ҳаракат тезлиги 30 км/соатдан ўтгандан кейин чап ҳаракат бўлагига нисбатан тезроқ ўсиб бориши кузатилди. Бу ҳолатни автобусларнинг бекатдан чиқиб асосий оқимга қўшилиши ва тезланиш билан ҳаракатлана бошлаши билан изоҳлаш мумкин.



1-расм. Транспорт оқимида автомобиллар масофавий интервалларининг тезликка боғлиқлиги (транспорт оқимида 85% енгил автомобиллар бўлганда):
1-ўнг ҳаракат бўлаги; 2-чап ҳаракат бўлаги

Тўрт бўлакли автомобиль йўларида ҳаракат интервалининг ўзгариши таҳлили (2-расм) масофавий интервалнинг энг катта кўрсаткичи ҳаракат тезлигига мос равишда автобус ортидан автобус ҳаракатланганда кузатилса, энг кичик масофавий интервал автобус ортидан енгил автомобиль ҳаракатланганда кузатилди. Бу ҳолат транспорт воситаларининг динамик параметрлари ва


олдинда ҳаракатланётган автомобилни қувиб ўтиш имконияти мавжудлиги билан изоҳланади.



2-расм. Тўрт бўлакчи автомобиль йўларида транспорт оқимида автомобиллар масофавий интервалларининг тезликка боғлиқлиги:

1-автобус ортидан автобус; 2-енгил автомобиль ортидан енгил автомобиль;
3-енгил автомобиль ортидан автобус; 4-автобус ортидан енгил автомобиль

Синов тадқиқотларининг кўрсатишича, жамоат йўловчи транспортини бекатдан асосий йўлга чиқиб оқимга қўшилиш жараёни асосий йўлдан келаётган транспорт оқими жадаллиги, транспорт воситалари орасидаги критик интервалга боғлиқ ўзгаради (3-расм). Оқимда ҳаракатланаётган автомобиллар ўртасидаги критик интерваллар жамоат йўловчи транспортининг оқимга қўшилиш имкониятини бериши керак бўлади.



3-расм. Жамоат йўловчи транспортининг бекатдан асосий бўлакка ўтиш учун кутиш вақти дисперсияси билан асосий транспорт оқимининг L ҳаракат жадаллиги, T критик интервал ўртасидаги боғлиқлик

Ўтказилган синов тадқиқотлари натижасида режим ўзгартирувчи объект кўча-йўл тармоғининг юкланганлик коэффиценти 0,8 ни, ҳаракат жадаллиги 44 авт/минутни ташкил қилган транспорт оқимидаги битта автомобилга хизмат кўрсатиш цикли 0,27 минутни ёки 15,96 секундни ташкил қилиши аниқланди. Бу кўрсаткичлар автомобилларни ўтказиш билан банд бўлган режим ўзгартирувчи объектнинг k каналларнинг учтаси уларни тўхтовсиз ҳаракатини таъминлашини кўрсатди. Кўрилаётган синов участкада тўртта бундай каналлар мавжуд бўлганда, режим ўзгартирувчи объект транспорт оқимининг ҳаракатланиш режимига салбий таъсир кўрсатмаслиги аниқланди.

Синов тадқиқотлари натижасида аниқланган режим ўзгартирувчи объектнинг таъсири доирасида транспорт оқими характеристикаларининг ўзгариши 1 - жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Режим ўзгартирувчи объектнинг таъсири доирасида транспорт оқими характеристикаларининг ўзгариши

№	N	\bar{k}	$P_{yтини}$	\bar{s}	$\bar{t}_{нав}$	$P_{зан}$	$\bar{t}_{мур.}$	$\bar{t}_{ц}$
1.	10	0,6007175	0,9011665	0,05906	0,3544	0,1501793	0,56587	0,81587
2.	20	1,1657135	0,8742853	0,13308	0,3999	0,291428	0,121569	0,371569
3.	30	1,7000224	0,8500112	0,16195	0,4239	0,425006	0,045097	0,295097
4.	40	2,189657	0,8211234	0,1874877	0,749995	0,5474142	0,020669	0,270669
5.	50	2,9855106	0,8956621	0,5213317	0,6256	0,746377	0,006796	0,256796
6.	60	3,2909413	0,8227353	0,9462062	0,9462062	0,822735	0,003591	0,257591
7.	70	3,5987055	0,7721549	3,5096587	3,008996	0,8996763	0,001593	0,251593
8.	80	3,6938852	0,6926052	3,7909544	2,8432229	0,9234713	0,001036	0,251036
9.	90	3,7081731	0,61802885	12,696407	8,642717	0,927043	0,000874	0,250874
10.	100	3,7589275	0,5369896	27,505328	16,503197	0,9397332	0,000641	0,250641

Ўтказилган синов тадқиқотлари ва уларнинг натижаларининг кўрсатишича, режим ўзгартирувчи объектнинг ўтказиш қобилияти 3,0 авт/минутни ташкил қилган хизмат кўрсатувчи каналлар сони битта бўлган шароитда транспорт воситасининг режим ўзгартирувчи объектда ушланиб қолиш вақти 2,79 минутни, худди шу кўрсаткич учта хизмат кўрсатиш канали бўлганда эса, 0,24 минутни ташкил қилиши аниқланди. Шу билан биргаликда ҳаракат жадаллиги ортиши билан режим ҳосил қилувчи объектга кириб келувчи транспорт воситалари сони ҳам ортиб борар экан. Режим ўзгартирувчи объект олдида навбат кутиб қолувчи транспорт воситалари сони биринчи ҳолда

2,4 автомобилни, иккинчи ҳолда эса, 0,89 автомобилни ташкил қилиши аниқланди. Синов тадқиқот натижалари 2-жадвалда келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, ҳаракат жадаллигининг ортиши билан транспорт воситаларининг режим ўзгартирувчи объектларда ушланиб қолиш эҳтимоллиги ва навбат кутиб қолиш вақти ҳам ортиб боради.

2-жадвал

Турлича ҳаракат жадаллигида жамоат йўловчи транспортининг йўналишларда ушланиб қолишларнинг ўзгариши

№	N авт/мин	P_o	\bar{s}	$P_{np}^{(мух)}$	$\bar{t}_{ушл, мин}^{(и)}$	$\bar{t}_{қирши.., мин}$	$\bar{t}_{нав, мин}$
1.	10	0,37255	0,0379	0,12508	0,42885	1,729858	0,55974
2.	20	0,36324	0,04326	0,126841	0,63241	1,30388	0,58574
3.	30	0,34992	0,05217	0,137042	0,69184	1,257328	0,62517
4.	40	0,33871	0,06828	0,145514	0,76426	0,975558	0,69759
5.	50	0,32708	0,0788	0,15046	0,8884	0,940974	0,72182
6.	60	0,30172	0,08112	0,19485	0,89422	0,688692	0,72755
7.	70	0,29094	0,08434	0,19835	0,90246	0,673598	0,73579
8.	80	0,28982	0,08749	0,19942	0,91879	0,66909	0,752123
9.	90	0,27747	0,08992	0,20311	0,92748	0,653906	0,76081
10.	100	0,2692	0,09326	0,20601	0,9359	0,642355	0,76923
11.	150	0,2345	0,10436	0,29011	1,1862	0,407847	1,01053
12.	200	0,2192	0,1426	0,30723	1,3333	0,375868	1,01666
13.	250	0,2071	0,2289	0,33033	1,9758	0,337925	1,80913
14.	300	0,1965	0,3843	0,59394	2,9253	0,113964	2,75863

“Логистик тизимларда йўловчилар оқимида транспорт хизматлари кўрсатиш жараёнларини назарий тадқиқ қилиш” деб номланган тўртинчи боб йўловчилар оқимида транспорт хизмати кўрсатиш жараёнларини имитацион моделлаштиришнинг назарий асосларини тадқиқ қилишга, йўловчилар оқимида транспорт хизмати кўрсатиш жараёнлари моделини ишлаб чиқишга, йўловчилар оқимида транспорт хизмати кўрсатиш жараёнлари имитацион модели адекватлигини баҳолашга бағишланган.

Маълумки, йўловчилар оқимларини ташишни ташкил этиш жараёни мураккаб бўлиб, уни тўғри ва амалдаги аналитик усуллар билан таҳлил қилиш жуда қийин. Шу сабабдан, имитацион моделлаштириш орқали ушбу жараёнларга таъсир кўрсатувчи турли омилларнинг ўзаро таъсирлашувини текшириш имкониятига эга бўлиш мумкин. Кўча-йўл тармоқларида йўловчиларни оммавий ташиш жараёнини бажарувчи автобуслар ҳаракатини моделлаштиришда ушбу ҳаракатининг ўзига хос ҳолатларини акс эттира оладиган жараёнлар танлаб олиниши лозим. Ўтказилган синов тадқиқотларнинг кўрсатишича, бу жараёнларнинг энг кўп учрайдиган ҳолатларидан бири автобусларнинг оқимда ҳаракатланиш жараёнида ҳаракатланиш бўлақларини

ўзгартириши ва оралик бекатларига кириш ҳамда чиқиш билан боғлиқ манёврларидир. Бу жараёнда, айниқса, автобусга йўловчилар чиққандан кейин бекатдан чиқиб асосий ҳаракатланиш бўлагига кириши, яъни асосий оқимга қўшилиш жараёни муҳим бўлиб ҳисобланади.

Эҳтимолий улушни талаб этилаётган тақсимотни қаноатлантира оладиган эҳтимолий четлашишга ўзгартирувчи иккита усул мавжуд: тескари қайта ўзгартириш усули ва нуқталар тақсимоти усуллари.

Моделлаштириш вақти ўтгандан сўнг йўлнинг кўрилаётган кесмасидан ўтиб бўлган ҳар бир автомобилга маълумотлар асосида ва қуйидаги натижавий катталиқлар статистик қайта ишланади ва ҳисобланади:

1. Моделлаштиришга киритилган автомобиллар сони *NLAUNCH*.

2. Моделлаштирилаётган йўл кесмаси узунлигидан тўлиқ ўтган автомобиллар сони *NB*.

3. Ҳаракат бўлагини ўзгартираётган автомобиллар сони *KY*.

4. Ҳар бир турдаги автомобиль учун моделлаштириш ҳудудидан чиққан автомобиллар сони, моделлаштирилаётган йўл кесмасида ҳар автомобиль йўқотган вақт, моделлаштирилаётган йўл кесмасини босиб ўтиш вақти, моделлаштириш ҳудудининг 1 км қисмида бекатларга кирган ва ундан чиққан автомобиллар сони, уларнинг тезликларини тақсимланиши.

5. Оқим учун умумлаштирилган маълумотлар: моделлаштириш ҳудудида 1 та автомобилга тўғри келадиган йўқотилган вақт *TPOI*; бутун ҳаракат бўлагини ўтиш вақти *TPR*, оқимнинг ўртача тезлиги; моделлаштириш ҳудудининг 1 км қисмида 1 та автомобилга тўғри келадиган бекатларга кириш ва ундан чиқишлар сони.

6. Моделлаштириш тугаши вақтидаги маълумотлар.

Моделлаштирилаётган автомобиллар қуйидаги бешта ҳолатлардан бирида бўлади.

Биринчи ҳолат - эркин тезлик билан ҳаракатланиш.

Иккинчи ҳолат-автобус ўзи ҳаракатланаётган бўлақдан бошқа ҳаракат бўлагига ўтиши натижасида бошқа бўлақдан ҳаракатланаётган автомобиль унинг орқасидан хавфли масофага яқинлашмаслигини ва ўзи ҳам янги ўтган ҳаракат бўлагига олдинда кетаётган автомобилга хавфли даражада яқинлашмаслигини таъминланиши лозим.

Учинчи ҳолат-тезликни пасайтириш билан ҳаракатланиш. Бу ҳолатда белгиланган йўналишда ҳаракатланаётган автобус бекатга кириш учун ҳаракат бўлагининг энг четки ўнг бўлагига ўтади ва унга яқинлашган сари тезликни пасайтириб боради.

Тўртинчи ҳолат-тезлашиш билан ҳаракатланиш. Бу ҳолатда автобус оралик бекатдан чиқиб тезлашиш бўлагига ҳаракатланади ва асосий ҳаракат бўлагига ўтади ёки тезлашиш бўлаги бўлмаган шароитда асосий ҳаракат бўлагига чиқиб тезлашиш билан ҳаракатланади.

Бешинчи ҳолат-моделлаштирилаётган йўл кесмасидан чиқиб кетиш.

Моделлаштириш жараёнида автомобиль учун ҳолатлар мажмуаси танлаб олинади. Автомобиль бу ҳолатларнинг бирида бўлади. Ҳар бир ҳолат учун

автомобилнинг ўзгарувчан векторлари характеристикалари аниқланади. Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш имкониятлари схемаси ишлаб чиқилади.

Моделни яхшироқ тушуниш учун бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишни $S[KXK]$ кўринишда қараймиз, бу ерда K -ҳолатлар сони, $S[KXK]$ матрицанинг ҳар бир элементи i ҳолатдан j ҳолатга ўтиш имкониятидан келиб чиққан ҳолда 1 ёки 0 га тенг бўлади. Мазкур моделда $K=5$ га тенг матрица қуйидаги кўринишда бўлади:

$$S = \begin{array}{c|ccccc|c} 1 & 1 & 1 & 1 & 1 & 1 & - & \text{ҳолат} \\ 1 & 1 & 1 & 1 & 1 & 2 & - & \text{ҳолат} \\ 1 & 1 & 1 & 1 & 1 & 3 & - & \text{ҳолат} \\ 1 & 1 & 1 & 1 & 1 & 4 & - & \text{ҳолат} \\ 0 & 0 & 0 & 0 & 1 & 5 & - & \text{ҳолат} \end{array}$$

